



**“OLIIY TA’LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VA INNOVATSIYA:
FAN, TA’LIM, TARBIYA”
MAVZUSIDAGI XALQARO MIQYOSDAGI ILMIY-TEXNIK ANJUMAN
NAVOIY, 2024-YIL 18-APREL**

**“ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИИ В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ: НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ВОСПИТАНИЕ”
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
НАВОИЙ, 18 АПРЕЛЬ 2024 ГОД**

**“DIGITAL TECHNOLOGIES AND INNOVATION IN HIGHER EDUCATION:
SCIENCE, EDUCATION, UPBRINGING”
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE
NAVOI, APRIL 18 2024 YEAR**

“Oliy ta’limda raqamli texnologiyalar va innovatsiya: fan, ta’lim, tarbiya” mavzusidagi xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallari. – Navoiy, 2024. – 283 b.

Ushbu to’plam O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 20-martdagi “2024-yilda qo‘shimcha o‘tkaziladigan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 76-sonli buyrug‘iga asosan Navoiy innovatsiyalar universiteti tomonidan 2024-yil 18-aprel kuni o‘tkazilgan **“Oliy ta’limda raqamli texnologiyalar va innovatsiya: fan, ta’lim, tarbiya”** mavzusidagi xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallaridan tashkil topgan.

To‘plam materiallaridan mutaxassislar, olimlar, pedagoglar, professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar, magistrantlar va talabalar foydalanishlari mumkin.

Mas’ul muharrirlar:

- Sh.A.Atamuradov – iqtisod fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent
S.B.Sanayeva – pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

Taqrizchilar:

- D.X.Narzikulova – Navoiy davlat pedagogika instituti professori, pedagogika fanlari doktori
A.A.Ilyasov – Navoiy innovatsiyalar universiteti professori, tibbiyot fanlari doktori

Maqolalarni to‘plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

- Sh.N. Xaydarova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
U.N. Umurzaqova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, geografiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
M.B. Kubayeva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
N.B. Kobulova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
L.Z. Karayeva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Texnik muharrir:

- N.Sh. Tosheva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Navoiy innovatsiyalar universiteti Kengashining 2024-yil 8-apreldagi 8-sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya etildi. Ma’ruzalarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar mas’uldir.

© *Navoiy innovatsiyalar universiteti, 2024.*

ШЕЪРИЯТДА ҚАЛБ ВА РУҲ ИФОДАСИ

Умида Расулова

Ўзбекистон, ТошДЎТАУ , профессор.

Аннотация: Мазкур мақолада Абдулла Орипов шеърлари таҳлили орқали шоир маҳорати тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: маҳорат, шоир, мавзу, сўз,оҳанг, поэтика, кечинма, образ

ВЫРАЖЕНИЕ СЕРДЦА И ДУШИ В ПОЭЗИИ

Резюме: В данной статье на примере анализа стихотворений Абдуллы Орипова исследуется мастерство поэта.

Ключевые слова: мастерство, поэт, тема, слово, интонация, поэтика, переживание, образ

EXPRESSING THE HEART AND SOUL IN POETRY

Abstract: In this article, the poet's skills are studied through the analysis of Abdulla Oripov's poems.

Key words: skill, poet, theme, word, tone, poetics, experience, image

Ижодкор бадий сўз имкониятидан унумли фойдалаиб, нозик диди, дунёқарашини асарлари зимнига сингдириб боради. Шеърийат - кўнгил кўзгуси. У инсоннинг сийратидаги армону нолаларни турли ранг, оҳангда таъсирли ифодалайди. Шоир оламу одам борасидаги фалсафий, эстетик қарашларини шеърлари силсиласига сингдириб боради. Ўзбек шеърийатида янги образ, мазмун бахш этган Абдулла Орипов сўз шуқуҳи, нафосатини ҳис эттиришга муваффақ бўлди. Бепоён самонинг “митти юлдуз”и лоқайд”оломон”ни маърифатга чорлаб, чин ошиқлик саодатини ”биринчи муҳаббат” га абадий муҳрлади. Шоир оламларнинг Раббисига “муножот” айлаб, ислом фалсафасини ”ҳаж дафтари” битиклари билан бойитди. Абдулла Орипов умумадабиётга ватан, оила, муҳаббат мавзуларидаги қалб асрорларини тақдим этиш учун заргар мисол сўзларни саралаб, уларни инжа туйғулар билан зийнатлади. ”Ожиз қалам”и ила юртини, диёрини поэтик ифодалаган шоир оҳорли, салмоқли ўхшатмаларни эркин қўллади. “Юртини бойлиги чун” севган нокасларни кечирмаган шоирнинг қалби озорланади. Унинг шеърларидаги бадий образлар миллий руҳ билан тўйинтирилиб, туйғу ҳамда эҳтиросларни тиниқ ифодалашга йўналтирилади.

Бадий ижодда шоиру ёзувчилар муҳаббат талқинига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, ишқи илоҳий дардмандлари Аллоҳга нола, илтижо, муножот айлаб ошиқлик неъматига шукрона келтирганлар. Муножотда дил изҳори, кўнгил ноласи имон ҳаловати уйғунлигида сайқал топган. Донишманд Алишер Навоий ”Муножот” асарида асмоил ҳусна латофати, моҳиятини нозик англатади. Ошиқ инсон Яратганнинг буюк қудрати олдида ожизлигини, жамодоту наботот мисол кичик зарралигини ёдда сақлайди. Асрлар оша муножот аҳли ижодга илҳом бахш этаверган. Абдулла Ориповнинг ”Муножот”ни тинглаб” шеърида ҳам одаму оламга мурожаат замирида фонийлик ҳамда боқийлик тушунчаларига ишора берилади. Куй, оҳанглар мозий ҳақиқатидан нола айларкан, ғам, кўз ёш, фарёдлар оша янги манзаралар жонланиб боради. Шоир маҳзун куй воситасида азалий дардни ҳис эттиради, руҳиятда сокинликни орттиради. Муסיқа ислом фалсафасидаги танҳо, фард ошиқ ҳолатини тинглашга, унга ҳаммаслақ бўлишга чорлайди. Ингранаётган ташбеҳи замирида дард даражаси, салмоғи борасида муайян тасаввур пайдо бўлади. Ғам, ташвиш замон оша инсонга ҳамроҳлиги хотирамизда олам яралгандан буён содир бўлаётган разолату жаҳолатни суратлантиради. Нолавор куй таъсири зиёдлигидан ғам тасаввурига тафаккур ожизлик қилади. Олам тилсимотидан беҳабар одам

хануз ҳидоят йўлини англашга ожиз. На фалак қисмати, на замин тартиботини уқмаган басир саросар дарбадар кезишга маҳқум. Инсон мураккаб қисмати, тириклик синоатида тобланиши, дардга бардошлилиги рухий кечинма залворини оширади. Муножот маҳзун, сокин оҳанг билан тўйинтирилган. Унда инсоннинг ўз сифатини поклаши, дунё фитнасидан холи бўлиши рамзий шаклда умумлаштирилади. Лирик қаҳрамон руҳиятидаги безовталиқ оҳанг воситасида теран англашилади.

Абдулла Ориповнинг “Муножотни тинглаб” шеърдан илҳомланган Абдулла Қаҳҳор ўзининг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасига бир бандини эпиграф қилиб белгилаган. Адиб у орқали маъновий, рамзий қатламга ишора айлаган. Асар матнини уқиш жараёнида гўдагидан айрилган онаизор, ўлим тўшагидаги дардманд аёл, норасида марҳума Савринисо, жонзотдан озорланган келин, содда, муте Бабарлар қисмати умумлашмасида тириклик, жудолик мотивлари нолавор куй таъсирида жонли ёритилганининг гувоҳи бўласиз. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси таркибида Алимардон образи қирраларини таъсирли ёритишда Абдулла Ориповнинг “Кетмоқдаман” шеърдан ўринли фойдаланилган. Қаҳрамон фитратидаги йўлсизлик, тушкунлик туйғуларига ҳамоҳанг ушбу шеърини лавҳа муаллиф бадиий ниятини тиниқ етказишга хизмат қилган. Шоир шеърларидаги мантиқийлик, фалсафийлик характер моҳиятини теран ифодалашга сабаб бўлгани аёнлашади.

Инсоният яралганидан буён жаҳолат, қабоҳатдан огоҳ этилади. Афсуски, нафс исқанжасидаги қалб тинчлик неъматини асрашни хоҳламайди. Одамзот яралганидан буён уруш, низо боис миллату элатлар йўқолиб бораётир. Уруш оила, жамиятдаги тартиботни издан чиқариб, ёшу наслга қарамай барини вайрон айлайди. Шоирнинг “Аёл” шеърида айрилиқ, фироқ, бардош, сабр каби тушунчалар уруш талофати, оқибати, чексиз зиёни борасидаги тасаввурни бирлаштирибгина қолмай, инсон садоқатини юксак мақомга кўтаради. Абдулла Орипов мавзунинг янги қиррасини айни “содиқ бева” образида кашф этади. Ўн тўққиз ёшли бева аёлнинг маънавий жасорати марҳум жуфти ҳалолига вафосида тажассумини топади, оила арконини, жамият низомини шу нуқтада мустаҳкамлайди. Бу поэтик образ шоир идеалидаги ўзбекнинг вафоли аёли, у орқали инсоний ирода, бардош туйғуларини тиниқлаштиради.

Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеърида инсон қалбидаги фироқнинг маҳзун ноласи садоланади. Шоир ўз изтиробу соғинчини ўқувчисига ҳам юқтиради. У она ҳамда фарзанд орасидаги абадий риштани меҳр, мурувват, ишонч неъматлари билан суратлантиради. Муҳими, она тимсолида энг меҳрли, самимий инсон қиёфасини бус-бутун тасвирлайди. Шоир тушларида “бошини силаб турган онажон”ини доим соғиниб яшайди. Ижодкор она фитратидаги бағрикенглик, мурувватни шундай поэтик ифодалар билан қувватлайди. Шоир турфа образлар орқали киши туйғуларининг рангин манзараларини жонлантирибгина қолмай, шеърият

хазинасига оҳорли фикрлари ила муносиб ҳисса қўшган ҳақиқат соҳиби бўлиб қолаверади.

Абдулла Орипов илоҳий ва мажозий ишқни бадиий талқин этишда киши сийратидаги жавҳарга урғу беради. Хусусан, илоҳий ишқ васфида инсон тийнатидаги олий неъмат руҳнинг Яратганга муҳаббати жами туйғулардан ноёблиги билан қадрли экани намоён бўлади. Тафаккур ва тахайюл кенгликларида кўнгил олами, руҳий кечинмалар бирлашиб кетади. Ошиқ вужуди, руҳи илоҳий покликка эришиш илинжида орому ҳаловатдан айрилади.

Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим,
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим.

Дилдаги оҳим менинг биринчи муҳаббатим,
Ёлғиз Аллоҳим менинг биринчи муҳаббатим.

Иқрорнома шоир ботинидаги ниҳон асрорни, юрагидаги гавҳарни зоҳирда аён айлаб, киши руҳиятидаги безовталиқдан воқиф этади. Зеро, ҳар бир сўз негизига ижодкор қалби, безовта руҳи сингиб боради. Шоир поэтик изланиши самарасида лириканинг ҳиссий таъсирчанлиги ортаётгани, бетакрор оҳанглар садолаётгани, хассос кўнгилнинг асл кечинмаси образли тақдим этилаётгани китобхонни ром этаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Орипов А. Танланган асарлар. Т. Шарқ. 2001, б. 79
2. Umida, R. (2024). THE RELEVANCE OF RHYTHM IN PROSE FICTION. *Journal of Modern Educational Achievements*, 1(1), 288-294.
3. Rasulova, U. (2024). Poetic Research in Modern Story-Writing. *SPAST Reports*, 1(1).

**5-SHO'BA: FILOLOGIYANING DOLZARB MUAMMOLARI:
TADQIQOT, TALQIN VA MONIYAT**

Бахтиёр Ражабович Менглиев Ўзбекистон, Тошкент амалий фанлар университети тадқиқотчи-профессори, филология фанлари доктори ЛИНГВОМАЪНАВИЯТШУНОСЛИК - МИЛЛИЙ ТИЛШУНОСЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА	3
G'ofir HAMROYEV O'zbekiston, Toshkent amaliy fanlar universiteti professori, pedagogika fanlari doktori(DSc) FILOLOGIK TA'LIMDA GRAMMATIKAGA DOIR O'QUV MATERIALLAR MASALASI: MUAMMO VA YECHIMLAR	10
Умида Расулова Ўзбекистон, ТошДУТАУ, профессор. ШЕЪРИЯТДА ҚАЛБ ВА РУХ ИФОДАСИ	16
Yusubova Rano Norboyevna O'zbekiston, Navoiy innovatsiyalar universiteti professori, filologiya fanlari doktori MATN PERSEPSIYASI VA INTERMATN	19
К.Н.КАДИРОВ Узбекистан, Доцент Навоийского института инновации ОБ ИЗУЧЕНИИ ПРОДУКТИВНЫХ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КАТЕГОРИЙ ГЛАГОЛОВ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ	22
Yarashova Nasiba Jumayevna O'zbekiston, Navoiy innovatsiyalar universiteti professori v.b., f.f.d. BILINGVIZMNING LINGVOKOGNITIV TADQIQI (BOLALAR NUTQI MISOLIDA)	28
Рузиева Зилола Мустафаевна доктор философии по филологическим наукам (PhD) Узбекистан, Навоийский университет инноваций ЯЗЫКОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕНИИ	32
G'ulomova Nargiza Sa'dullayevna Navoiy innovatsiyalar universiteti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) universiteti ALISHER NAVOIY G'AZALLARINI GRAMMATIK TEGGLASH ...	36
Nigora Sharipova Nuriddinovna O'zbekiston, Navoiy innovatsiyalar universiteti Filologiya va tillarni o'qitish kafedrası dotsenti, PhD ALISHER NAVOIY IJODIDA XAMSANAVIS SALAFLAR TASVIRI	41

